

Кичик Бизнес Субъектларининг Тадбиркорлик Фаолиятидаги Рискларни Мониторинг Қилиш

Эргашев Ҳаётбек Абдукаҳарович¹

Аннотация: Ушбу мақолади мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни мониторинг қилиш, бу боради рискларни бошқариш тизимининг самарали амал қилиш модели ишлаб чиқидган. Бунда кичик бизнесда рискларни бошқариш тизимининг самарали ташкил этишда ички муҳит ва ташқи муҳит таъсирида самарадорликка эришишнинг бир неча босқичларини босиб ўтиб, барқароор ривожланишга эришиш кўзда тутилган.

Катил сўзлар: тадбиркорлик фаолиятида, риск мониторингги, барқарорлик рислари, нобарқарорлик рисклари, рискларни бошқариш тизими.

Рискларни мониторинг қилиш кичик бизнесда бошқарувнинг асосий жиҳати ҳисобланади, чунки у асосида тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган рискларни олдиндан аниқлаш ва минималлаштириш имконини беради. Тадбиркорлик риски кичик бизнеснинг ажralмас жиҳати бўлиб, у тадбиркорлик жараёнининг турли босқичларида, шу жумладан молиявий тебранишлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар, технологик носозликлар, шунингдек рақобатчиларнинг ҳаракатлари ёки бозорда талаб ва таклифнинг ўзгариши натижасида юзага келади. Кичик бизнес субъектлари потенциал рискларни аниқлаш, уларнинг содир бўлиш эҳтимоли ва мумкин бўлган таъсирини баҳолаш, уларни олдини олиш ёки минималлаштириш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган рискларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиши мухимdir.

Рискларни самарали бошқариш тадбиркорлик субъектларидан нафақат ўз бизнесини ва улар фаолият юритаётган бозорни билишни, балки рискларни келтириб чиқарадиган ташқи омилларни ҳам англашни талаб этади. Ушбу омилларга иқтисодий инқирозлар, сиёсий бекарорлик, истеъмолчилар имтиёзларининг ўзгариши ва технологик янгиликлар киради. Иқтисодий муҳитда сезиларли ўзгаришларга олиб келган COVID-19 пандемияси каби ноаниқлиқ шароитидан сўнг рискларни мониторинг қилишга бўлган эътибор янада ортди, чунки бу кичик бизнес субъектларига ноанъанавий шароитларга мослашиш ва қийин иқтисодий шароитларда омон қолишга ёрдам беради.

Кичик бизнеснинг тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни мониторинг қилиш бир неча асосий жиҳатларни ўз ичига олади:


¹ Андижон давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси мустақил изланувчиси



1. Рискларни аниқлаш: молиявий, ишлаб чиқариш, бозор ва хуқукий рисклар каби мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш. Бу кичик бизнес субъектларига тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рискларга олдиндан тайёргарлик кўришга ёрдам беради.
2. Рискларни баҳолаш: ҳар бир рискнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг бизнесга бевосита таъсирини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Бу кичик бизнес субъектларига энг хавфли рискларни биринчи ўринга кўйиш ва барча саъй-ҳаракатларни уларнинг энг муҳимларига қаратиш имконини беради.
3. Рискларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш: рискларни минималлаштириш ёки бартараф этиш режаларини ишлаб чиқишини назарда тутади. Бунга суғурта, бизнесни диверсификация қилиш, ички назоратни яхшилаш ва бошқа чораларни киритиш мумкин.
4. Мониторинг ва назорат: рискларни доимий назорат қилиш ва амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади. Бу стратегияларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва ўзгарувчан шароитларга мослаштириш имконини беради.
5. Ўқитиш ва хабар қилиш: ходимларни ўқитиш ва уларни юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва уларни олдини олиш усуслари тўғрисида хабардор қилишни ифода этади. Бу корхонада рискларни бошқариш маданиятини яратишга ёрдам беради.
6. Ҳисобот ва ўзаро алоқа: барча манфаатдор томонларни рискларнинг жорий ҳолати ва уларни бошқариш чоралари тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиш асосида шаффоффлик ва бизнесга бўлган ишончини оширади. Ушбу жиҳатлар кичик бизнесда рискларни янада самарали бошқариш ва ноаниқ муҳит шароитида уларнинг барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Чекланган ресурслар ва рискларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган кичик бизнес субъектлари учун рискларни бошқаришнинг мослашувчан ва самарали стратегиясини ишлаб чиқиш рақобат муҳити шароитида жуда муҳимдир. Бунга рискларнинг айрим турларини суғурта қилиш, бизнесни диверсификация қилиш, захира фондларини яратиш ва фавқулодда вазиятлар режаларини ишлаб чиқиш киради. Бундан ташқари, ходимларнинг малакаси, бошқарув сифати ва операцион жараёнлар каби ички омилларни ҳам ҳисобга олиш жуда муҳимдир, чунки улар ҳам танг вазиятларда риск манбаига айланиши мумкин. Демак, кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятида рискларни мониторинг қилиш ва бошқариш нафақат зарурат, балки барқарор ривожланиш ва ўсиш учун катта имконият калитидир. Рискларни билиш ва бошқариш тадбиркорларга нафақат потенциал йўқотишларнинг олдини олиш, балки инновациялар ва бизнесни кенгайтириш учун пайдо бўлган имкониятлардан фойдаланиш имконини беради. Шундай қилиб, хатарларни кузатиш нафақат сақлашга, балки узоқ муддатли истиқболда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хисса кўшадиган воситага айланади.



**1-расм. Кичик бизнесда рискларни бошқариш тизимининг самарали амал қилиш модели²**

1-расмдан кўриниб турибдики, кичик бизнесда рискларни бошқариш тизимининг самарали амал қилиш модели портфеллар бўйича рискларни аниқлаш блокини институционализация қилиш ва уларни бошқариш усулларини танлаш орқали амалга оширилади. Ушбу концепция қайта пайдо бўладиган рискларнинг ҳар бири бошқариладиган даражага етгунга қадар мунтазам ва тақорий аниқлаш ҳамда мониторинг қилиш ғоясига асосланади. Бу жараён аниқ ва ноаниқ

² Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.



вазият учун характерли бўлган рискларни тан олиш йўли орқали амалга оширилади. Аниқлик деганда кичик бизнеснинг шундай бир ҳолати тушуниладики, унда барча турдаги рисклар самарали бизнес юритиш учун қабул қилинган мезонлар ва ғояларга мувофиқ аниқланади ва бошқарилади. Агар кичик бизнес учун рискли вазият аниқ деб тавсифланган бўлса, унда уларни бошқариш учун тегишли портфелдаги фақат у ёки бу усулни қўллаш лозим (1-расмга қаранг).

